

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ФИСКАЛЬ СИЁСАТНИНГ РОЛИ

Арслонова Малика Шухратовна
Банк-молия академияси магистранти

Аннотация: Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни (ТТХИ) жалб қилишда фискаль сиёсатнинг роли катта аҳамиятга эга. Фискаль сиёсат давлатнинг бюджет сиёсати, солиқ сиёсатлари ва харажатларини белгилаш орқали иқтисодиётга таъсир кўрсатади, бу эса хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омилдир.

Калим сўзлар: Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, фискаль сиёсат, солиқ сиёсати, хорижий инвестициялар, иқтисодий самара.

Abstract: The role of fiscal policy is of great importance in attracting Foreign Direct Investments (FDI). Fiscal policy affects the economy by defining the government's budget policy, tax policies, and expenditures, which is a crucial factor in attracting foreign investments.

Keywords: Foreign Direct Investments, fiscal policy, tax policy, foreign investments, economic efficiency.

Ж.М.Кейнснинг фикрича, ишлаб чиқариш ҳажмини умумий талаб белгилайди, аммо ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш учун етарли даражада пул маблағлари зарур. Шунингдек, Ж.М.Кейнс, ушбу монографиясида тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражада сақлаб туриш йўли билан инвестициялар ҳажмини ошириш ва шунинг асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашни таклиф қилган⁷.

Ж.М.Кейнс ўзининг илмий тадқиқотлари натижасида хулоса қиладикки, пулларга бўлган талаб ва фоиз ставкаси ўртасидаги ўзаро муносабат барқарор эмас. Бунинг сабаби шундаки, фоизнинг «мўътадил» ставкаси даражаси иқтисодиёт субъектларининг ҳатти-ҳаракатига боғлиқ ва турли даврий оралиқларда ҳар хил ҳолатлар таъсирида ўзгариб туради. Ушбу беқарорлик туфайли молия органлари фоиз ставкаларининг мақбул даражасига эришиш мақсадида пул массасини зарур даражада ўзгартириш учун зарур бўлган оралиқ нишонларни танлаб олиш имкониятига эга бўлмайди. Бундай шароитда асосий эътибор бюджет сиёсатининг инструментларига қаратилиш даркор. Чунки, бундай шароитда фоиз ставкаси ва умумий талаб ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам ноаниқлик кузатилади.

Иқтисодиётнинг реал ва молия секторлари ўртасидаги муносабатлар хусусидаги ёндашувда монетар ва фискаль сиёсат ўртасидаги уйғунликни таъминлаш орқали

⁷ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.

реал секторни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳояси мавжуд⁸. Ушбу ҳоянинг асосий мазмуни шундан иборатки, давлат бюджетини дефицитини қисқартиришга қаратилган қаттиқ солиқ сиёсати товарлар ва хизматларга бўлган талабни қисқаришига олиб келиши мумкин. Бундай шароитда Марказий банк экспансионистик монетар сиёсатни амалга ошириш йўли билан умумий талабни рағбатлантиради. Натижада бир даврнинг ўзида давлат бюджети дефицити ҳам қисқаради, ЯИМ ҳам ўсади.

Мазкур ҳоя, фикримизча, муҳим амалий аҳамият касб этади. Масалан, XX асрнинг 90-йилларида АҚШда монетар сиёсат ва солиқ сиёсати ўртасидаги уйғунликни таъминлаш орқали давлат бюджети дефицитини сезиларли даражада қисқартириш ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Б.Баверкнинг хулосасига кўра, индивидларнинг кўп истеъмол қилиш ва кам жамғариш тўғрисидаги умумий қарори капиталнинг ейилиб кетишига олиб келади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш камади⁹.

Б.Баверкнинг ушбу хулосаси муҳим амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда жамғариш ва истеъмол ўртасидаги нисбат ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни белгиловчи асосий омилга айланди. Хусусан, Хитойда жамғариш меъёрининг юқори даражада (29,5%-42,0%) сақлаб турилганлиги сабабли 30 йил мобайнида (1980-2009 йй.) ЯИМ 30 мартага, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ 15 мартага ошди¹⁰.

М.Пагано иқтисодий ўсиш моделига молиявий секторнинг марказий бўғини бўлган молия бозорларини киритди¹¹.

$$\phi St = It \quad (1)$$

Бу ерда:

S – жамғармалар;

I – инвестициялар;

ϕ - молия бозорининг самарадорлиги.

М.Пагано (1- ϕ) микдорни капитални жалб қилиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар деб ҳисоблади. Унинг фикрига кўра, капитални жалб қилиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар ўз ичига биржа воситачилари оладиган комисион ҳақларни ҳамда тижорат банклари кредитлари ва депозитларининг фоиз ставкалари ўртасидаги фаркни олади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ϕ микдори жамғармаларнинг инвестицияларга йўналтирилган қисмини англатади.

⁸ Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. 4-е изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. - С. 290-291.; Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ИД «Высшая школа экономики», 2010. - С. 106-107.; Виноградов Д.В., Дорошенко М.Е. Финансово-денежная экономика. – М.: ГУ ВШЭ, 2009. – С. 729-730.

⁹ Bo'hm-Baverek. Capital and interest. Vol 2: The Positive Theory of Capital. – P. 113-114.

¹⁰ Вахабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. – Ташкент: Молия, 2011. - С. 154.

¹¹ Pagano M. Financial markets and economic growth//European economic review. 1993. - №37. – P. 613-622.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги//www.lex.uz.
2. Mayek A. Banking and International Finance Risk Management in Banking//Spring Term, 2002.- P. 35.
3. Евдокимова С.С. Особенности и проблемы кредитования российскими коммерческими банками предприятий малого и среднего бизнеса // Финансы и кредит. Выпуск № 11 (635) / 2015 [Электронный ресурс].

